

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 25-dekabr, chorshanba № 102 (15740)

Фаол тарғиботчилар ва билимдонлар аниқланди

«Kamolot» loyihalari

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзудаги тарғибот лойиҳасига якун ясалди.

Лойиҳага жорий йилнинг 20 ноябрида старт берилган эди. У Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирликлари ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудудларида уч босқичда амалга оширилди. Талаба ва ўқувчилар ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш, ёшларга Бош Қомусимизда мустақамлаб қўйилган нормалар, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини «тенгдош тенгдошга» усулида тушунтириш мақсадида Ҳаракат томонидан республика тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Мазкур гуруҳга Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик, Тошкент давлат педагогика, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларининг жами 61 нафар иқтидорли ва фаол талабаси ҳамда ёш ўқитувчилар саралаб олинди.

Лойиҳа доирасида республика тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан барча туман ва шаҳарларда 8,5 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари — давра суҳбатлари, учрашув, интерфаол тренинглари ўтказилди. Уларда 720 мингга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Ҳар бир ҳудудда ташкил этилган тарғибот тадбирлари «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви билан якунланди. Биргина шу лойиҳа натижасида 150 нафардан ортиқ туман, шаҳар ва вилоят ҳокими 35 мингга яқин ёш билан юзма-юз кўришиб, савол ва мулоҳазаларини эшитди. Бундай мулоқотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар ва мутасаддиларига ёшлар масаласига чуқурроқ ёндашиш, ҳудуддаги янгиланишлар, шунингдек, мавжуд муаммо ва камчиликлар юзасидан уларнинг фикрини олиш, таклифларини ўрганиш имконини берди.

— Нукус шаҳри ҳокими билан учрашув ҳаммасидан ҳам кўпроқ ёдимда қолди, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги «Kamolot» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Шаҳбоз Сайфиддинов. — Беш кишидан иборат тарғибот гуруҳимиз Қорақалпоғистон Республикасининг ўн тўртта тумани ҳамда Нукус шаҳрида тарғибот олиб борди. Биз республикадаги деярли барча мактаб ва касбхуналар коллежлари ўқувчилари билан учрашдик. Қорақалпоғистонлик ёшларнинг ҳуқуқий билимдонлигига ҳавас қилса бўлади. Айниқса, «Ҳоким ва ёшлар» учрашувида икки нафар — 5- ва 7-синф ўқувчисининг, ҳатто талабаларни қийнаб қўйган айрим саволларга беҳато жавоб беришини кўриб, очиги, қойил қолдим. Тарғибот давомида ана шундай ёшларни кашф этганимизнинг ўзи лойиҳа қанчалик керакли ва самарали эканидан далолат беради.

(Давоми 3-саҳифада)



ЎЗИГА ТАЛАБЧАН, ЁШЛАРГА НАМУНА

Бир йил аввал магистратура таълимини тамомлаган Учқун Алимов Тошкент ирригация ва мелиорация институтидаги «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайланди. Янги фаолиятга тез киришди, атрофида аҳил, ташаббускор ёшлар жамоасини шакллантирди, кўпдан-кўп қизиқарли ҳамда фойдали лойиҳаларни амалга оширди, институт талабалари ўртасида ёшлар ҳаракатининг нуфузини оширди ва... Жорий йилда ташкил этилган олий таълим муассасаларидаги «Kamolot» ЁИХ етакчиларининг республика форумида «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» номига сазовор бўлди.

Албатта, рағбат ва эътироф кишига шунчаки берилмайди. Айниқса, етакчига. Аввало, ҳали ўзи талаба бўлатуриб беш минг нафар талабадан ташкил топган улкан жамоага сардор бўлишга ҳамма ҳам ботинолмайди. Қолаверса, шунча одамнинг ичида танилиш ва тан олиндиш осон иш эмас. Кейингиси шартмикан, деб сўрарсиз. Шарт! Модомики, ўзини ёшлар етакчиси дейдиган инсон ҳар бир тенгдошига ҳурмат билан қарамас, ёшларнинг фикри, таклиф ва истакларини

эътиборга олмас, жамоада дўстона муносабат ва ишчанлик муҳитини яратмас экан, ишидан бирор нум ва самарани кутиш бефойда. Саҳифамизнинг бу галги қаҳрамони Учқун Алимовнинг ҳам фикри шундай.

— «Kamolot» сафига эндигина қўшилган пайтимни эслайман, — дейди Учқун. — Талаба эдим. Бошланғич ташкилот фаолиятини деярли билмасдим. Токи ўзим ўтказилаётган тадбирларда қатнашиб кўрмагунча. Қарасам, бу ташкилотнинг эшиги ҳамма

учун очик. Агар менга биринчи кунданок шундай муносабат билдирилмаганида, эҳтимол, ҳозир сиз билан гаплашиб ўтирмаган бўлардик. Ҳозир талабаларга дарс бераман. Аудиторияда — ўқитувчиман. Лекин бошқа пайт «Kamolot» етакчиси, яъни ёшларнинг энг яқин дўсти, ҳамроҳи ва елкадошиман. Ҳар қайси жамоадаги фаолият, аввало, инсоний муносабатдан, мулоқотдан бошланади. Агар жамоадошларни эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйсангиз, ўзингиз ҳам ҳурмат топасиз. Оддий туолгани билан бунга эришиш анча мушкул. Ишонасизми, аввалига камгап, камсукум бола эдим. Кўпчилик олдида гапиришдан чўчирдим, ўз фикримни ишончли тарзда ифода-лаб беролмасдим. «Kamolot»да эса ўсдим. Ҳаракат мени чин етакчи сифатида тарбиялади. Энди ўзим ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлишга ҳаракат қиляпман.

(Давоми 4-, 5-саҳифаларда)

Hududlardan mujdalar

КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши педагогика коллежида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишга бағишланган ёшларнинг давра суҳбати ташкил этилди.

Харакатнинг вилоят кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мазкур ташкилот раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Мутахассислар ўқувчи-ёшларга «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг асл мазмун-моҳиятини гапириб беришди.

Тадбирда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида ёки шўроларнинг сўнги талваси» номли видеофильм намойиш этилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хива туманида олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг очик биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада Урганч, Хива шаҳарлари, Қўшқўпир, Боғот, Шовот туманларидан келган ёш боксчилар иштирок этди. Улар 28 килограммдан 66 килограммгача бўлган вазн тоифасида рингга чиқишди. Боғот туманидан келган Фаррух Рустамов, Аҳмад Аҳмедов, Озод Машарипов, Хива туманидан Зиё Каримов, Наврўз Каримов, Зулфиқор Тиллаев, Наврўз Юсупов, Насим Назаров, Улугбек Бобожонов, Миржалол Содиқов, Шоҳзамон Аҳмедов, Урганч шаҳридан Жаҳонгир Йўлдошев, Мўминмирзо Қаландаров, Жаҳонгир Авазов, Отажон Йўлдошев, Шовот туманидан Ихлос Курбонбоев ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фаргона вилоят мусикали драма ва комедия театрида «Конституция — бахтли келажак асоси» кўрик-танлови ташкил этилди.

Мазкур танловда Марғилон педагогика коллежининг «Парламент», Фаргона солиқ коллежининг «Солиқчи», Қўқон тиббиёт коллежининг «Адолат», Марғилон тиббиёт коллежининг «Адл келажак», Қўқон педагогика коллежининг «Авесто», Фаргона таянч тиббиёт коллежининг «Нурли келажак» жамоалари қатнашиб, билимларини бешта шарт асосида синовдан ўтказишди.

Яқунда «Нурли келажак», «Адолат», «Солиқчи» жамоалари 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Орзу маррасини забт этган йигит

Орзу қачон ушалади? У қатъий мақсадга айланганида, инсон ақл-заковати, иродаси шу мақсадни амалга оширишга сафарбар қилинганда. Тенгдошимиз Абдор Пирнапосов Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатида математикани астойдил ўрганаётган кезларидаёқ илм келажаги эканини юракдан ҳис этди. Фанни мукамал, пухта эгаллаб, жиддий, оламшумул янгиликларга қўл уришни дилига тугди.

— Олот туманидаги 3-мактабда ўқиган пайтимда мактаб микёсидаги фан олимпиадаларида математикадан қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритганимда, доим ўқитувчиларимиз: «Абдор, сен математикани пухта ўзлаштириш учун ўқишни Қорақўлдаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатида давом эттиришинг керак. Тўғри, бизнинг мактабда ҳам барча шароитлар яратилган, лекин математикага ихтисослашган мактаб-интернатнинг ўрни бошқача», деб бот-бот таъкидлашарди, — дейди тенгдошимиз.

Ўқитувчиларининг тавсияси, келажакка мустақам ишонч, илмнинг янги марралари сари интилиш туйғуси билан Абдор юртимиздаги нуфузли, халқаро фан олимпиадаларига математика бўйича иқтидорли ўқувчиларни тайёрлашга ихтисослашган мактаб-интернатнинг 9-синфидан ўқишни давом эттирди. Янги таълим масканида янада шижоат билан ўқишига, мустақил изланишига тўғри келди. Негаки, бир-бирдан билимдон тенгдошларидан ўзиб кетиш истаги, дўстона рақобат муҳити ундан фаоллиқни, интилувчанлиқни талаб этарди.

Тўққизинчи синфни тугатган йили Абдор Жиззах вилоятининг Фориш туманида ўтказилган ёзги олимпиадада 1-ўринни эгаллаганида, математикани



танлаб янгилимаганини ҳис қилди. Шундан сўнг яна қатор галабаларни қўлга киритди. Вилоят, мамлакат микёсида ғолиб бўлиб, математика фанидан юртимиз терма жамоаси аъзоси сифатида халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этди.

— Мен ёш тадқиқотчи сифатида юртимизда ёш олимларга яратилган имкониятларни юксак деб биламан ва бунинг самарасини ўз фаолиятимда кўриб турибман, — дейди Абдор Пирнапосов. — Шу имкониятлар туфайли математика фанидан республика олимпиадасида 1-ўринни олдим, дунёнинг қатор давлатларида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида қатнашдим. Чунончи, Марказий Осиё давлатлари микёсида математика фанидан масофавий тарзда ўтказилган олимпиадада аввал бронза, кейин кумуш медални қўлга киритдим, Германияда ўтган 50-халқаро математика олимпиадасида бронза медалга сазовор бўлдим.

Мазкур олимпиада туфайли тенгдошимиз Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетига имтиёзли қабул қилинди. Олий таълим мус-

Давлат мукофоти соvrindorlari

сасасида ўтказилган қатор олимпиадаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллади. Абдор ўқишдаги тиришқоқлиги ва қўлга киритган муваффақиятлари туфайли Ўзбекистон Миллий университетининг махсус стипендияси ва Қори Ниёзий номидаги стипендияга сазовор бўлди. Бу йил тенгдошимиз Ўзбекистон Республикаси Президентини стипендиясига муносиб кўрилди.

Жорий йил Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллиги арафасида тенгдошимиз яна бир юксак мукофотга лойиқ кўрилди. Президентимизнинг шу йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида биноан Абдор Пирнапосов «Шухрат» медали билан тақдирланди.

— Президентимиз фармони билан «Шухрат» медалига муносиб кўрилганим мен учун қутилмаган, келгуси ҳаётимда, илмий изланишларимда юксак марраларни забт этишга ундовчи муҳим воқеа бўлди, — дейди Абдор. — Юксак мукофотни қабул қилар эканман, ўша лаҳзаларда кўнглимдан кечган ҳис-ҳаяжонни, ифтихорни айна пайтда сўз билан ифодалаб беролмайман. Негаки, мен шу пайтгача айна шу ёшимда бундай юксак мукофотга сазовор бўламан, деб сира ўйламагандим. Бу мукофот менинг янада куч-ғайрат билан илмий изланишлар олиб боришимга, юртимиз илм-фани ривожига йўлида интилишларимга муносиб рағбат бўлади.

Тенгдошимиз айна пайтда Ўзбекистон Миллий университетининг 1-курс магистранти. Илмий журналларда «Квадратик операторлар назарияси ва генетик алгебра» мавзусидаги илмий изланишларига оид қатор илмий мақолалари чоп этилган. Ҳамон жиддий илмий изланишлар билан машғул. «Озгина меҳнатинг ҳар қадамда эътироф этилиб, рағбатлантириб турилса, бундан ортиқ бахт борми? Менимча, бизга яратилган шундай ажойиб имкониятлар, шароитлар дунёнинг бирор давлатида йўқ. Биз шундай иқболи кулган, Президентимизнинг юксак эътибори остида камолга етаётган бахтиёр авлодмиз. Бунинг учун ҳар қанча фахрланса, гурунланса, кам», дейди Абдор. Унинг қатъиятли, дадил сўзлари кишида ҳавас уйғотади. Чунки унинг мақсади аниқ, нияти баланд. Бир куни шу эзгу мақсадлари уни янада юксакларга олиб чиқади.

**Хайридин МУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Ёшлик таровати давом этмоқда

Юртимиз бўйлаб ёшлик шижоати ва сурури-ни ўзида мужассам этган ёшлар фестивали давом этмоқда. Улардан бири Фаргона вилояти Бешариқ туманидаги марказий стадионда бўлиб ўтди.

Тумандаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, шунингдек Фурқат ва Ўзбекистон туманлари ёшлари вакиллари бир ерга жамлаган бу галги ёшлар фестивали «Конституция — ҳаётимиз фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» шиори остида минглаб йигит-қизларни юксак эзгу мақсадлар негизда бирлашишга чорлади. Тадбирда вилоят ҳокими Ш. Фаниев иштирок этди.

— Замонавий ва қулай шароитлар яратилиши натижасида ёш истеъдодлар кашф этилмоқда, — деди ўз сўзида вилоят ҳокими Ш. Фаниев. — Ҳамжўрликдан баҳраманд янги авлоднинг илм-фан, санъат, спорт соҳаларида эришаётган ютуқлари салмоғи ортиб бораётир. Бу

мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлод орзуси йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётбахш самаралари ҳисобланади.

Вилоятнинг маънавий-маърифий, ижтимоий соҳалари ривожига самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширишга муваффақ бўлган Бешариқ туманидаги «Ўзун», «Эшон», «Шоберди», «Пастки Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига мазкур маҳаллаларда амалга оширилган эзгу ишлар учун совға сифатида компьютер жамланмалари тақдим этилди. Шунингдек, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган танлов ғолиблари



вилоят ҳокимлигининг фарғоний ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Фестиваль дилрабо куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар билан давом этди. Ёшликнинг ажиб ва тароватли ёлқинлари айнан мана шундай файзли давраларда янада чирой очиши шубҳасиз.

Тадбирни кузатар эканмиз, истиқлол фарзандлари

тимсолида эртанинг муносиб эгаларини кўрдик. Уларнинг илғор қадамлари, ёниб турган нигоҳлари, асосийси, мустақиллик берган имкониятлар учун дилида ва тилида жаранглаётган шукрона фикримизнинг ўзига хос тасдиғи бўла олади.

**Дилнавоз Қўлдошева,
«Камолот» ЕИҲ Фаргона
вилояти кенгаши
этакчи мутахассиси**

«Kamolot» loyihalari

Фаол тарғиботчилар ва билимдонлар аниқланди

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Лойиҳанинг учинчи босқичида ёш тарғиботчилар эстафетани Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчиларига топширдилар. Хуқуқий билимлар билан қуролланган етакчилар тарғибот тадбирларини декабрнинг биринчи ярмига қадар ўзларининг ўқиш ва иш жойларида давом эттирдилар.

Ўзига топширилган вазифани аъло даражада уддалаган тарғибот гуруҳи аъзоларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан фахрий ёрликлар топширилди. Тантанали тадбир «Конституция билимдони» интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросимига уланди. Мазкур танлов тарғибот лойиҳаси билан бир вақтда эълон қилиниб, қутилганидан ҳам ортиқ натижа билан яқунланди. Яъни бу сафар танлов иштирокчиларининг сони ўтган йилдагига қараганда қарийб икки бараварга (!) кўпайди. Икки ҳафта давомида www.kamolot.test.uz субсайти орқали 21627 нафар ёш хуқуқий билимини синовдан ўтказди. Улар орасида хорижий мамлакатларда таълим



олаётган тенгдошларимиз ҳам бор. Эслатиб ўтамиз, «Конституция билимдони» интернет танлови он-лайн тарзда ташкил этилиб, сайтда рўйхатдан ўтган ёшлар реал вақт шароитида аввалига ўн дақиқа ичида йигирмата саволга, кейинги босқичда эса ўн та саволга беш дақиқа давомида жавоб беришлари керак эди. Танлов шартлари асосида энг юқори балл тўплаган 21 нафар иштирокчи ғолиб, деб топилди.

— Танловда иккинчи бор иштирок этишим, — дейди

Фаргона политехника институти талабаси Абдор Отабоев. — Ўтган йили менга озгина вақт етмаганди. Бу гал тайёргарликни кучайтириб, барча саволларга тўғри жавоб бердим. Хуқуқ, айниқса, конституциявий хуқуқ соҳасига жуда қизиқаман. Жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ўтказилган «Парламентаризм билимдони» танловида ҳам муваффақиятли қатнашдим. Бундай танловлар билимимни чархлашга, кўпроқ изланишимга туртки бермоқда. «Конституция билимдони»

ҳақида институтимиз талабаларига ҳам айтгандим, нақ 120 нафари танловда иштирок этди. Айни вақтда Олтиариқ йўл қурилиши корхонасида ҳам фаолият кўрсатаман. Келаси йили танловга корхона ёшлариниям жалб этмоқчиман.

«Конституция билимдони» интернет танлови ғолибларига Ҳаракатнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
«Turkiston» муҳбири.
Носир Ҳайдаров олган сурат.

Тадқиқот, тақдимот ва хулосалар

«Камолот» ЁИХ муассислигидаги «Етакчи» ёшлар марказида «Ёшларнинг ижтимоийлашуви ва ёшлар ташкилоти» ҳамда «Вояга етмаганларнинг хуқуқбузарлиги профилактикаси» мавзуларида ўқув семинарлари ташкил этилди. Унда марказнинг худудий филиаллари раҳбар ва координаторлари қатнашди.

Шу йил давомида «Етакчи» ёшлар маркази томонидан ўн битта социологик тадқиқот олиб борилди. Улардан икkitаси риск гуруҳига кирувчи ёшлар билан психологик иш олиб бориш омиллари ҳамда замонавий етакчининг социал қиёфаси шаклланишини ўрганишга қаратилган. Ўқув семинари давомида иштирокчилар ушбу тадқиқотларнинг натижалари билан танишдилар.

— Риск гуруҳига кирувчи ёшлар билан боғлиқ социологик тадқиқот лойиҳаси доирасида республикамиздаги тўртта махсус таълим муассасасида бўлди, — дейди «Етакчи» ёшлар маркази ижтимоий лойиҳалар координатори, психолог Луқмон Қозоқов. — Уларда девиант ва деликвент хулқ-атворга эга, содда қилиб айтганда, безори ва хуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар тарбияланади. Тадқиқот давомида, аввало, бу ёшларнинг психологик ҳолати, мустақил ҳаётга тайёргилини ўргандик. Бунинг учун улар ўртасида анкета сўрови ўтказилди. Бундан ташқари, махсус психологик технологиялар ёрдамида тарбияланувчиларнинг зарарли одатлар — алкоғолизм ва наркоманияга психологик бардошлилигини аниқладик. Тадқиқотимиз махсус таълим муассасаларида риск гуруҳига кирувчи ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб боришда айрим камчиликлар борлигини кўрсатди. Хусусан, бу

ердаги педагоглар, тарбиячи ва психологлар ҳамон эски усуллар, ўз аҳамиятини йўқотган ёндашувлардан фойдаланмоқда. Кўпинча болаларнинг психологик муаммолари чуқур ўрганилмайди, улар билан индивидуал иш деярли олиб борилмайди. Мавжуд аҳволни бартараф этиш мақсадида махсус таълим муассасаларининг тарбиячи ходимлари учун маҳорат дарсларини ҳам ташкил этдик. Педагоглар риск гуруҳидаги вояга етмаганлар билан психологик ишлашнинг замонавий методларидан хабардор этилди. Айни вақтда марказимизда ушбу методларнинг самарадорлигини аниқлаш механизми ишлаб чиқилди. Янги йилдан махсус маҳорат дарсларини тизимли равишда ташкил этишни режалаштирганмиз. Чунки ноқобил йўлга кириб қолган вояга етмаганларнинг келгусида салбий муҳитга яна қайтиб тушиб қолмаслиги, зарарли одатларга берилмаслиги, ўз ҳаётини тартибга келтириб, соғлом турмуш кечириши кўп жиҳатдан шу болаларнинг тарбияси билан шуғулланувчи педагогларнинг уларга бўлган муносабати, қандай тарбия воситаларини қўллаётганига боғлиқдир.

Этиборли томони шундаки, юқоридаги социологик тадқиқот мавзуси дастлаб вилоятлар кесимида ўрганилиб, ҳар бир худудда тўпланган маълумотлар яқин хулосалар билан таққосланди. «Етак-

чи» ёшлар маркази махсус тадқиқот юзасидан махсус тўпламни нашрга тайёрлаган. Ўқув семинари доирасида ўтказилган семинар-конференцияда иштирокчилар тадқиқот натижаларини муҳокама қилдилар.

— Социологик тадқиқот объектиларидан бири сифатида Бахт шаҳридаги махсус коллеж танлаб олинган эди, — дейди «Етакчи» ёшлар марказининг Сирдарё вилояти филиали раҳбари Эргаш Пирназаров. — Ҳозир бу ерда 102 нафар бола тарбияланмоқда. «Камолот» ЁИХ туман кенгаши томонидан улар учун мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Тан олиш керак, махсус коллеж ўқувчиларининг хулқ-атвори анча мураккаб. Улар билан, ҳатто мулоқот қилиш ҳам алоҳида ёндашувни талаб қилади. Тадқиқот давомида бу ёшларнинг психологик ҳолатини ўрганиш жараёнида бевосита қатнашдим. Аввалига ўсмирлар бизни унча хушламади, бизга ишонқирамай қарашди. Шу боис марказ мутахассислари, биринчи галда, улар билан ўзаро дўстона, ишончли алоқа ўрнатдилар. Шундан сўнг ўсмирлар фаоллашди. Айниқса, уларнинг қайси касбга мойиллигини аниқлаб берувчи тренинг барчага манзур бўлди. Тадқиқот доирасида бундай тренинг машғулотлари вилоятимиздаги бир нечта ёзги оромгоҳларда ҳам олиб борилган эди.

Ўқув семинари доирасида вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарлик профилактикасига доир қонун ҳужжатлари, профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларни назоратдан чиқариш ҳамда улар учун ташкил этилувчи тарбия ва спорт соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолияти, ёшлар билан ишлашда психологик технологиялар, социологик технологиялар, етакчининг социал ва маънавий қиёфаси каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, иштирокчилар ёшларнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш, муаммоларини ечиш бўйича худудларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот-тақдимотлар топширилди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият уйида «Кувноқлар ва зук-олилар» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Унда Зарафшон шаҳар компьютер технологиялари коллежининг «Универсал», Зарафшон академик лицейининг «Гап йўқ» ҳамда Зарафшон шаҳар саноат касб-хунар коллежининг «Лидер» жамоалари таништириув, савол-жавоб, мусиқали чиқиш шартлари бўйича ўзаро беллашди. Жамоалар ёшлар ҳаётидаги қизиқарли воқеалар, уларни ўйлантираётган муаммолар ва ҳаётимизда учраб турадиган айрим нуқсонларни кулги остига олишди. Кўриктанловнинг умумий натижаларига кўра, «Лидер» жамоаси 58 баллни, «Гап йўқ» жамоаси 55 баллни, «Универсал» жамоаси эса 52 баллни қўлга киритди. Энди «Лидер» жамоаси кўриктанловнинг худудий саралаш босқичида иштирок этади.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Боёвут туманидаги 69-мактаб-интернатда «Баскетбол шоу» мусобақаси ўтказилди.

Ўсмир қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда спортни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада тумандаги 1-, 8-, 10-, 23-, 26-, 27-, 36-, 42-мактаб ўқувчилари иштирок этди. Қуръа натижасига кўра, 1-6, 8-27, 10-26, 23-42-мактаб жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Саралаш ва ярим финал баҳсларида юқори натижаларни кўрсатган 36-мактаб ва 42-мактаблар жамоалари финалда беллашди. Унда 36-мактабнинг баскетболчи қизлари 14:7 ҳисобида ғалаба қозонди. Учунчи ўринни 8-мактаб ўқувчилари эгаллади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Мирзачўл туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Конституция ва қонунларни ўрганишимиз» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Ҳаракатнинг туман кенгаши, туман ҳокимлиги, туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган танловда 5-мактабнинг «Қалқон» жамоаси биринчи ўринни, 14-мактабнинг «Фемида» жамоаси иккинчи ўринни, 1-мактабнинг «Адолат» жамоаси учунчи ўринни эгаллади.

Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежиди «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларидан келган ўғил-қизлар ўз иқтидорларини намоён этишди.

Ёш ихтироичи ва кашфиётчилар



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг очилиш маросимида Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ганиев иштирок этди.

Мазкур танловда фан, маданият ва санъат соҳаларидаги малакали экспертлардан иборат ҳакамлар ҳайъати истеъдод эгаларини турли номинациялар бўйича баҳолади.

— Иштирокчилар жуда иқтидорли. Уларнинг барини голиб, юртимиз келажиги, деб айтган бўлардим, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, шоир Икром Отамурод.

Дарҳақиқат, танловда намойиш этилган ижодий ишлар, илмий лойиҳалар ва техник ишланмалар кишида ҳайрат уйғотади. Масалан, техник лойиҳалар ва веб-ишланмалар йўналишида иштирок этган қорақалпоғистонлик Дилшод Пўлатов яратган ҳаво тозаловчи мосламанинг қишлоқ хўжалиги ва автосаноатда жуда қўл келишини мутахассислар эътироф этишди. Шу билан бирга, навоийлик Шаҳбоз Муртазов газ ҳисоблагич хатологини аниқловчи қурилмани яратган бўлса, бухоролик Гулноза Абдуллаеванинг қуёш нуридан электр энергия ишлаб чиқариб, эгилувчан қуёш элементларидан бино ва хонадонларда фойдаланиш имконини берувчи тизимни ишлаб чиқариш ҳам қизиқиш билан кутиб олинди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Ёшлик, маърифат ва заковат байрами

Қарши шаҳрида «Юрт келажиги» республика кўрик-танловининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган танловда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 175 нафар иқтидор эгаси иштирок этди.

Дастлаб танлов қатнашчилари шаҳар марказидаги «Эл-юрт таянчи» монументи пойига гулчамбар қўйишди. Сўнгра вилоятдаги тарихий обидалар, диққатга сазовор жойлар, истиқлол йилларида ёшлар ва болалар учун бунёд этилган бино ва иншоотлар билан танишишди. Улар учун «Эски масжид» театр-студияси томонидан саҳналаштирилган «Чангак» спектакли ҳам намойиш этилди.

Ёш ижодкор ва ихтироичилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, анъанавий амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Бундай эътибор ва ғамхўрлик юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз билим ва истеъдоди, куч ва имкониятларини эл-юрт манфаатлари йўлида сафарбар этишга тайёр ватанпарвар ёшларни вояга етказишнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда, — дейди

«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Фурқат Норматов. — Мазкур танловнинг туман, шаҳар ва худудий босқичларида саксон тўрт мингдан зиёд ёш қатнашди. Танлов орқали ноёб иқтидор эгалари кашф этилмоқда. Иштирокчилардан бири тақдим этган иш кўпчиликнинг эътиборини тортди. Унинг лойиҳасига кўра, «грипп» эпидемияси даврида вирус тарқалиши ва бошқа юқумли, бактериал касалликларнинг олдини олишда бинолар ичидаги муҳит вентиляция йўли билан тозаланиб, зарарсизлантирилади. Бу махсус симобли кварцлампа ёрдамида амалга оширилади. Аниқроғи, бир соатда юз куб метр ҳаво таркиби тозаланади.

Танлов қатнашчилари учун вилоят «Ёшлар маркази»да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, «Нихол» мукофоти совриндорлари ва ёш истеъдодли хонандалар иштирокида концерт намойиш этилди.

Танловда «Тубанлик» фильми намойиш этилди. Қарши давлат университетиди бўлиб ўтган ушбу фильм намойишидан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов билан ёшлар учрашуви ташкил этилди.

Нихоят ҳаяжонли дақиқалар ҳам бошланди. Вилоят мусиқали драма театрида ташкил этилган голибларни тақдирлаш маросимида танлов голиблари эълон қилинди. Голиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

— Танлов орқали кўплаб дўстлар орттириб, уларнинг ижодий ишлари билан ҳам танишимиз имконига эга бўлдим. Голиблик улкан масъулият ва Ватаним тарққиётида ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиш кераклигини яна бир бор англади, — дейди танловнинг наср йўналиши голиби, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Малика Сайфиева.

Танловнинг якуний қисми ёш олимлар, рассомлар ва ҳунармандлар кўргазмаси ҳамда санъат усталари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

Баҳодир ЮСУПОВ,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

Билим, иқтидор ва кучли тафаккур

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида республикамиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Тафаккур синовлари» кўрик-танловида бу йил Фарғона давлат университетининг «Сарбон» жамоаси «Энг фаол жамоа» деб топилди.



Тўрт шарт бўйича синовдан ўтган жамоаларнинг иқтидор, билим ва салоҳиятлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Иштирокчиларнинг ўз жамоасини маҳорат билан таништириши, Президентимиз асарларининг маз-

мун-моҳиятини қай даражада англаб етганлари, давлатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати доирасидаги изчил ислохотларга муносабатлари ўрганиб чиқилди. Хулосаларга кўра, энг юқори балл йиққан,

ҳакамлар ҳайъати ҳамда йиғилганларнинг эътирофига эришган Фарғона давлат университетининг «Сарбон» жамоаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланиб, «Энг фаол жамоа» номинацияси голиблигини қўлга киритди.

— Бу йилги танлов ҳар доимигидан-да қизиқарли ўтди, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Шаҳбоз Мўйдинов. — Ушбу танлов орқали республикамизнинг турли худудларида таҳсил олаётган тенгдошларимиз билан дўстлашиш, улар билан фикр алмашиш, айниқса, ўқиб-ўрганганларимизни ўзига хос имтиҳон қилиш имкониятини берди.

Фарғонага пойтахтимиздан ёруғ юз билан қайтган «Сарбон»чилар вилоят ҳокимлиги ва адлия бошқармаси томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Дилнавоз Қўлдошева

Тошкент темир йўл транспорти коллежиди «Куч — билим ва тафаккурда» мавзуида ўқувчи-ёшларнинг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Очiq дарс шаклида ташкил этилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланди.

Ўқувчилар журналист бўлиб кўришди

Анжуман давомида ўқувчилар Бош Қомусимизнинг асосий ғоя ва принциплари, бошқа давлатлар конституцияларидан фарқи, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар, халқ маънавий ҳаётида Конституциянинг ўрни каби мавзулар бўйича фикрлашдилар. Таъкидлаш керак, ушбу дарс сценарийсини ўқувчилар мустақил равишда тайёрлашган бўлиб, унда ҳар бир иштирокчи ҳуқуқий билимини тўлиқ намоён эта олди.

Айниқса, ўқувчиларнинг давлат органлари ва ташкилотлар, суд ҳокимияти вакиллари ҳамда журналистлар ролини ижро этиши тадбирнинг ноанъанавий бўлишига хизмат қилди. Шундай қилиб, матбуот анжумани доирасида журналист ўқувчилар мутасадди органлар раҳбарларига мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, республикадаги экологик вазият, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолияти ва ваколатлари, таълим тизимидаги янгиликлар ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан саволлар би-

лан мурожаат этдилар.

— Бундай ноанъанавий дарсда биринчи марта иштирок этишим, — дея ўз таассуротини сўзлади Тошкент темир йўл транспорти коллежининг 1-курс ўқувчиси Аҳмаджон Қўлдошев. — Тадбирга узоқ вақт тайёрланган бўлсак-да, очиги, жуда ҳаяжонландим. Журналистларнинг саволларига жавоб бериш осон эмас экан. Бугунги дарс ҳуқуқий билимимизни янада бойитишга ёрдам берди. Бунинг учун матбуот анжуманини ўтказишда бизга бош-қош бўлган устозимиз, тарих фанлари номзоди, доцент Султонхўжа Орифхўжаевга миннатдорлик билдираман.

Анжуман сўнгида фаол иштирокчилар «Энг масъулиятли ўқувчи», «Энг талабчан ўқувчи», «Зукко ва билимдон ҳуқуқшунос», «Нотиклик маҳорати ва ижодий салоҳияти кучли ўқувчи» номинациялари бўйича фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
«Turkiston» мухбири

Соғлом авлод орзуси

Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Президентимизнинг 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилгани юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида яна бир муҳим, салмоқли қадам бўлди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан буён соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор жиҳатлари қаторида қайд этилмоқда. Ўтган йилларга «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Баркамол авлод йили», «Ёшлар йили» деб ном берилгани ҳам ёшлар камолотига қаратилган юксак эътибордан дарак беради.

Болаликнинг беғубор дунёси аро кезмаган, унинг ширин мевасидан

тотмаган, уни ўзига хос ажиб туйғу билан эсламайдиган инсон бўлмаса керак дунёда. Ҳар куни эрта тонгда ҳар бир ота-она ширин бўлиб ухлаётган фарзандига ўзгача фахр билан билан назар ташлайди. Унинг сиймосида ўз орзу-мақсадларининг рўёбини, мустақил юртимизнинг келажagini кўради. Шу маънода, Президентимизнинг «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади» деган пур-

маъно ибораси бугун юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадида барпо этилаётган кўплаб саломатлик марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, болалар майдончалари, спорт иншоотлари ва бошқа кўплаб ислохот ва бунёдкорликларда бўй кўрсатмоқда.

Бундан йигирма беш ўттиз йил аввалги ҳолат билан ҳозирги реал жараёни солиштириб бўлмайди. Илгари қишлоқларда икки-уч хонали ғарибона кулба амбулатория номи остида ишлар, унда асосан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилар, керакли дори-дармон, ускуналар туман марказидаги шифохонадан келтирилар эди. Эндиликда қишлоқларда ташкил этилган қишлоқ врачлик

пунктларида унча-мунча мураккаб даволашни айтмаса, барча тиббий хизмат кўрсатилади. Перинатал ва скрининг марказларида аёллар кўриқдан ўтказилиб, барча тиббий воситалар ва поливитаминология билан таъминланмоқда. Ҳар йили болалар турли хасталикларга қарши эмланиб, иммунитетини мустаҳкам бўлишига эришилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асосийси, бундай кенг қўламли ишлар замирида тўла инсонпарварликка асосланган мақсад ётади. Бу эса, шубҳасиз, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳам маънан, ҳам жисмонан етуқ, бахтли авлодни камолга етказиш мақсади дидир.

Моҳиғул БОБОЕВА



Жорий йилнинг август ойида Бешариқ туманидаги Оқтов қишлоғида замонавий бинода қишлоқ врачлик пункти ўз ишини бошлади. Бу ерда ўз касбининг ҳақиқий фидойилари бўлган йигирма беш нафар шифокор меҳнат қилади. Айти пайтда саломатлик посбонлари беш мингдан зиёд аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: ҚВП бош шифокори Умида Ҳозилова катта ҳамшира Феруза Абдуҳамидова билан навбатдаги ишларни муҳокама қилмоқда.



Obod turmush yili

Нуриддин Маҳкамов олган суратлар

Иқтидорсиз ўқувчи бўлмайди

Ҳар бир мамлакат ҳаётидаги ҳал қилувчи куч, шубҳасиз, ёшлардир. Бугун юртимизда улғаяётган ёшларга қараб, уларнинг кўзларидаги бахтиёрликни пайқаш қийин эмас. Ҳар бирининг юрагида улкан орзу-мақсадлар мужассам. Бу эзгу ниятларнинг ушалишида юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олмазор туманидаги 16-мактабда қирқ нафар малакали педагог саккиз юз нафарга яқин ўқувчига кўз нури ва қалб кўрини бағишлаб, замонавий педтехнологиялар асосида таълим бермоқда. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун мактабда 22 та фан тўғараги ва қизиқишлар бўйича олтита тўғарак ташкил этилган. Уларга ўқувчиларнинг тўрт юз нафарга яқини жалб қилинган. Олтмиш нафарга яқин ўқувчимиз болалар спорт мактабларида, қирқ нафари болалар ижодиёти марказларида бўш вақтини самарали ўтказмоқда.

Инсон камолотида касб-хунарнинг ўрни беқиёс. Шу маънода, ўқувчиларнинг ҳозирданок қайси касбга мойиллигини, қизиқишларини аниқлаб, ҳаёт йўлини тўғри танлашига кўмаклашяпмиз. Жорий ўқув йилида мактабимизни тўқсон олти нафар ўқувчи тамомлайди. Айти пайтда уларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш бўйича касбга йўналтириш ишлари олиб бориляпти. Касбга мойилликни аниқлашга ёрдам берувчи сўровнома ва қизиқишлар харитаси ёрдамида битирувчи синф ўқувчиларининг қизиқишлари аниқланди. Шунингдек, уларни ўрта махсус, касб-хунар таълими


муассасаларига жалб этиш бўйича ота-оналар билан мунтазам суҳбат олиб боряпмиз.

Ёшларнинг маънавияти бутун инсонлар бўлиб, соғлом турмуш тарзида вояга етишларига кўмаклашиш, уларнинг турли нотўғри йўللарга киришининг олдини олиш борасида ҳам яхши ишларни амалга оширяпмиз. Чунончи, туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва «Камолот» ЁИХнинг туман кенгаши фаоллари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, фойдали тадбирлар ўтказяпмиз.

Бугун юртимизда камолга етаётган ҳар бир ўқувчи сиймосида бир истеъдод соҳиби яшайди. Ана шу иқтидорни рўёбга чиқариш, уни Ватанимиз равнақиға йўналтириш биз, устоз-мураббийлардан улкан масъулият ва эътиборни талаб этади.

Жамшид ТУРДИЕВ,
Тошкентдаги 16-мактаб
директори ўринбосари

Kelajakka qadam



Вақтида таъмирланмаганлигининг оқибати

Сеанс вақтида Лондондаги «Аполло» театрининг томи қулаб тушди. Натижада ўттиз киши турли даражада жароҳат олди.

Фалокат театрда бу йил Лоуренс Оливье номидаги етти мукофотни қўлга киритган «Итнинг сирли тунги қотиллиги» пьесаси қўйилаётган вақтда содир бўлган. 775 кишига мўлжалланган залда 720 нафар томошабин бўлган. Маълумотларга қараганда, спектакль энг авжига чиққан паллада актёрлардан бири: «Эҳтиёт бўлинг, устингизга нимадир қулаяпти!» дея бақиради. Бироқ томошабинлар буни, спектаклнинг бир кўриниши, дея эътибор беришмайди. Натижада қисқа муддат ичида деярли барча томошабинлар ёғоч тўсинлар ва девор бўлақлари остида қолди. Шифтнинг юз метр квадрати балконлар билан қулади. Тезда келган кутқарувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли томошабинлар жиддий жароҳатланмади. Кутқарув хизмати ўн дақиқада барчани кутқарди. «Аполло» театри 1901 йилда қурилган бўлиб, эскиргани учун томи қулагани маълум бўлди.

Анъанага анъанавий ҳужум

Швециянинг Евле шаҳрида ҳар йили Янги йил байрами олтидан ясалаган сомон-эчки яна ёниб кетди.

Эрта саҳарда ёна бошлаган 13 метрли «эчки»ни ўт ўчирувчилар кутқара олмади.

Полиция жиноятчиларнинг ҳатто изларини ҳам топа олмади. Сомон-эчкининг веб-сайтида у шаҳарни тарқ этаётгани, янги йилга яхши тилаклар тилагани ёзилди. Анъанавий Евле эчкиси 1966 йилдан буён ясаб келинади. Уни шу вақтга қадар 24 марта ёқиб юборишган. Ўтган йили эчкига байрамга ўн кун қолганда ўт қўйишган эди.

Кичик, лекин катта хато

Ҳиндистоннинг Коимбатур шаҳрида Нельсон Мандела хотираси учун ясалган билбордга (кўчаларда осиб қўйилади-ган йирик баннер) актёр Морган Фриманнинг сурати қўйиб юборилди.

Мотамсаро плакатда Жанубий Африканинг биринчи қора танли президенти хотирасига илиқ фикрлар битилган. Бироқ унда Манделанинг ҳаёти акс этган кинода бош ролни ижро этган Морган Фриманнинг сурати қўйилганди. Билбордни ўрнатган тадбиркор Чандрасекаран хатосини Тангараж исми талаба айтгандан сўнг билди. Тадбиркор полиграфия ходимларини айблади. Уларни шошилтирмаслик кераклигини таъкидлади. Айти пайтда билборддаги сурат алмаштирилди. Эслатиб ўтамиз, мамлакатда Манделага ҳурмат баланд бўлиб, ҳатто беш кунлик мотам ҳам эълон қилинган эди.

Шунга муносиб эди

Испаниядаги ногиронлар ногиронлик аравачасидан фойдаланиб, ўғирлик қилди.

Аввалига ногиронлар аравачасида кетаётган ўғирлар тиззаларида гўшт билан супермаркетдан чиқишлари полицияда шубҳа уйғотди. Улар гўштларни супермаркетда совға қилишди, деб саволлардан осон қутулишди. Лекин орадан бироз вақт ўтиб, ўғирлик маълум бўлди. Ўғирларни эса полиция кузатув камералари ёрдамида қийинчиликсиз топди. Испан полицияси уларга ўз нуқсонларидан жиноий мақсадларда фойдалангани учун қамоқ жазоси белгиланиши мумкинлигини маълум қилди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРМАТОВ тайёрлади

Сайёҳлик истикболли соҳа

Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳият ва имкониятга эга. Буни ҳар йили юртимизга келаётган минглаб хорижлик сайёҳлар оқимидан ҳам билса бўлади. Чунки она Ватанимизнинг гўзал, хушманзара табиати, бобомерос миноралар, нодир обидалар ҳар бир кишини ўзига оҳанрабодек тортади. Шу маънода, юртимизда туризмни янада ривожлантириш, серқуёш заминимизга келаётган хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш, ички туризмни кенгайтириш иқтисодий-иқтисодий ривож ва маданиятимиз тарғиботида муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида юртимизда туризмни янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам соҳа ривожини йўлида муҳим қадамлар ташланмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 1 ноябрдаги қарорига асосан, 2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тасдиқланди, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси Қашқадарё вилояти минтақавий бўлими раҳбари Уктам Хўжаёров. — Унда воҳада туризм ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий туристик хизматларни ички ва халқаро сайёҳлик бозорларига таклиф этиш, сайёҳлик объектларини таъмирлаш, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Шунингдек, ҳудуднинг ўзига хос тарихий маданий мероси имкониятларидан туризм ривожини самарали фойдаланиш, тарихий меъморий ансамбллар ва обидаларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, туристик хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш, мавжудларини янгилаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини

ошириш ҳамда шу орқали янги иш ўринларини яратиш ҳам дастурдан ўрин олган.

Дастурда Қашқадарё воҳасининг сайёҳлик имкониятларини янада кенгайтириш учун келгусида жойлардаги бўлинмаларга йигирмадан ортиқ сайёҳлик автобусларини ажратиш кўзда тутилган. Халқаро Қарши аэропортида йўловчиларга малакали хизмат кўрсатиш учун замонавий, кўркам бизнес зал бунёд этилади. Қолаверса, Китоб темир йўл станциясининг реконструкция қилиниши ҳам мазкур дастур доирасидаги муҳим ишлардан дид.

Сайёҳлик ташкилотларининг имконияти кенгайтириш билан юртимизга келадиغان сайёҳлар оқими ҳам кўпаяди. Бу эса сайёҳлар учун қулай, сифатли хизмат кўрсатишдаги муҳим омилларга эҳтиёж уйғотади. Шунингдек, олган ҳолда воҳанинг турли ҳудудларида ўттизта янги меҳмонхона қуриш, ҳозир фаолият кўрсатаётган объектларни реконструкция қилиш орқали меҳмонхоналардаги ўринлар сони икки баробарга ошади.

Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида экологик, қишлоқ туризмни, шунингдек, Қарши шаҳри ва Қарши туманида маданий-маърифий туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган. Бунинг учун вилоят марказидаги ободонлаштириш ва қурилиш ишларига салмоқли маб-



Imkoniyat

лағ ажратиш режалаштирилган.

Қашқадарё воҳасида Шаҳрисабз гўзал ва баҳаволиги билан ажралиб туради. Бу гўзал шаҳарнинг мамлакатимиз тарихи ва бугундаги ўрни, нуфузини ҳисобга олиб, уни ривожлантириш бўйича дастур асосида катта ишлар режалаштирилмоқда. Чунончи, дастур доирасида Шаҳрисабздаги ижтимоий ва маданий тараққиётни янада юксалтириш, уни замонавий туризм марказларидан бирига айлантириш, мавжуд инфратузилма иншоотларини янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Шунингдек, шаҳарнинг туристик салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида айни пайтда Осиё тараққиёт банки сармоғини ҳисобидан Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларини боғлайдиган 129 километрлик магистрал йўлни қуришга тайёргарлик кўрилмақда.

Ҳар бир сайёҳ бирор давлатга борса, эсдалик сифатида ўзи борган жойдан, албатта, бирор буюм келтиради. Шунингдек, олган ҳолда воҳанинг турли ҳудудларида хос сайёҳлик маҳсулотларини хориж бозорига чиқариш, табиий ва тарихий, маданий диққатга сазовор, янги сайёҳлик манзилларини ишлаб чиқиш, туристик хизматлар сифатини ошириш режалаштириляпти.

Китоб кенглик станцияси ва расадхонага, шунингдек, Ҳисор қўриқхонаси, Китоб давлат гео-

логик қўриқхонасига ташрифлар бўйича туристик дастурлар, Мингчинор қишлоғи ҳудудида тоғчанғиси базиси ва осма йўл қуриш ишлари воҳада сайёҳликни янги босқичга кўтаради. Яқин орада Шаҳрисабзга келадиغان сайёҳлар электр мобилда сайр этиш имкониятига эга бўлади.

— «Ўзбектуризм» МК тахминларига кўра, мазкур тадбирларни амалга ошириш орқали 2016 йилга бориб вилоятимизга келадиغان хорижлик сайёҳлар сони ўтган йилга қараганда 1,4 баробар ортиб, 33,2 минг кишини ташкил этади. Уларга 4,5 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилади, — давом этади Уктам Хўжаёров. — Қашқадарё вилояти бўйича қабул қилинган ушбу дастурни амалга ошириш учун турли манбалардан 101 миллион АҚШ долларини миқдоридан маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Бугун Қашқадарё вилоятига борган киши унда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва янгиланишлардан ҳайратга тушиши табиий. Айниқса, тарих ва келажак ўртасида мустаҳкам ришта бўлиб қад кўтарган иншоотлар, мусаффо табиат, бебаҳо маданий ёдгорликлар воҳа кўрғида янада кўрк, тароват қўшади. Бу гўзалликдан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам баҳра олиши учун сайёҳлик соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат КАРОМОВ

Sport

Боксчиларимиз ютуғи

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Республикамизнинг 160 нафар спортчиси ўн вазн тоифасида куч синашди. Мусобақа давомида умумий ҳисобда Тошкент вилояти боксчилари биринчи (бешта олтин ва тўртта бронза), андижонликлар иккинчи (тўртта олтин, тўртта кумуш, саккизта бронза) ва Тошкент шаҳри вакиллари учинчи (битта олтин, битта кумуш, битта бронза) ўринни қўлга киритди. Мусобақанинг барча иштирокчилари эсдалик соғалар билан тақдирланди.

Муносиблар тақдирланди

Тошкентда йил якунига кўра Ўзбекистон футболда энг яхшилар тақдирланди. «Энг яхши футболчи» номига Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда Москванинг «Локомотив» клуби ҳимоячиси Виталий Денисов сазовор бўлди.

«Йилнинг энг яхши мураббийи» номинациясида «Насаф» клуби бош мураббийи Рўзиқул Бердиев голиб бўлди. «ПФЛнинг энг фойдали футболчиси» номинациясида ҳам «Насаф» клуби аъзоси Артур Геворкяннинг қўли баланд келди. «Энг яхши матбуот хизмати» мукофоти «Насаф» клуби матбуот хизмати топширилди. «Энг яхши тўпурар» номинацияси мукофоти «Бунёдкор» ҳужумчиси Александр Пишурга тегишди. «Йилнинг энг яхши ҳаками» Равшан Эрматов бўлди. «Fair play»га ўзининг ҳалол ўйини билан намуна бўла оладиган «Локомотив» клуби эгалик қилди. «Энг яхши болалар мураббийи» Дилшод Нуралиевга 3 миллион сўм мукофот топширилди. «Йилнинг энг яхши ёш футболчиси» номинациясига Ақобир Тўраев, Иззатилла Абдуллаев ва Жамшид Болтабоев муносиб деб топилди, уларга бир миллион сўмдан мукофот топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев ва ёшлар терма жамоамиз бош мураббийи Аҳмадjon Мусаевга «Malibu» автомобили топширилди. Футбол фанрийлари эса ЎФФ кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Жавоҳир КАРОМатов,
«Turkiston» муҳбири

SUDOKU

4	2		7	6		1	9	7			
6				3	6	7	7	6			4
	7			5	3	1		2	9		6
		4	8					6	3	4	
	3			9			9	1			5 3
		7	6					6	9	7	
3	9	6		7			3			2 4	
2		5				3					9 5
	6					2				3	2 1

YON DAFTARCHANGIZGA

Бировнинг бергани — кўргулик,
Меҳнатнинг бергани — тўйгулик.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6998



Бош муҳаррир:

Ашуруров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров
(бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Назарова
Майсара
Тошевна

Саҳифаловчи:

Рўзиёв
Зафар
Хусанович

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1243.
Адади — 8017
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.05
ЎЗА якуни — 21.25

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6